

**ТИНГЛАБ ТУШУНИШДА ДУЧ КЕЛИНАДИГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЎЗ
ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИИШ ЙЎЛЛАРИ ВА МЕТОДИКАСИ****Толибжонов Жовохир Илхомжон ўғли**

ЎзДЖТУ 3- босқич талабаси

Ачилова Зулхумор Пулатовна

Илмий раҳбар испан тили катта ўқитувчиси

Ушбу мақолада талаба тинглаб тушунишда дуч келадиган қийинчиликларни олдиндан аниқлаш, унинг келиб чиқиш сабабларини эътироф этиш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Тинглаб тушунишда дуч келинадиган қийинчиликларни ўз вақтида бартараф этиш йўллари ва методикаси ҳақида фикр юритилади.

Мустақил Республика шароитида халқ таълими ўзига хос ривожланиш даврини бошидан кечирмоқда. Биз эса ушбу даврда чет тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни янада ривожлантириш, таълим-тарбия мазмунини миллийлаштириш, яъни ўзимизнинг жуда бой ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз, фанимиз, тилимиз ўз мохияти билан жуда чиройли, юксак инсоний ахлоқий мазмунга эга бўлган миллий урф-одатларимиз асосида жамиятимиз келажаги бўлган ёш авлодни ўқитиш бахтига муяссар бўлдик.

Маълумки анъанавий ўқитиш усули мамлакатимизда кенг тарқалган. Бироқ таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда анъанавий таълимнинг муҳим таълимий муаммолар ўз ечимини топиб бормоқда. Демак эски анъанавий услуб билан тинглаб тушуниш интеграцияларини амалга ошириш қийинчиликлари ҳам ўз ечимини топмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, чет тили фанларини ўқитиш давомида ҳам нутқ фаолияти турларининг ҳар бирига хос қийинчиликлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Қуйидагиларни эса Олий таълим шароитида талабаларнинг тинглаб тушуниш соҳасидаги қийинчиликлари сифатида келтиришимиз мумкин:

- ✓ Тилга оид шаклий қийинчиликлар. Маъноси ҳар – хил, товуш шакли эса ўхшаш сўзларни (омофонларни) ёки чет тили феълнинг мажхул даражасини тинглаш ва тушуниш мураккаблик касб этади. Омофон ва мажхул феъл бир қарашда танишга ўхшайди, бироқ аудиоматннинг мазмунини пайқашда хийла қийинчилик туғдиради.
- ✓ Мазмунга доир қийинчиликлар. Олинаётган ахборот қамровидаги нима, қаерда, ким билан, қачон бўлиши каби далилларни идрок этиш бобида ёки улар орасидаги боғланишни илғаб олиш, шунингдек, умумий ғояга таалуқли қийинчиликлар мавжуддир.
- ✓ Нутқий идрок қилишнинг шарт – шароитидаги қийинчиликлар. Булардан нутқ тезлиги, оҳанги ва механик ёзилган аудио матннинг муракаблигини эслатиш кифоя. Шу билан бирга аудиоматнни бир марта идрок қилиш, нотаниш одамни тинглаш, овоздаги ўзига хослик кабилар ҳам тушунишда ғов бўлиши табиий.
- ✓ Нутқ шаклига оид қийинчиликлар. Диалог нутқда жавоб қайтариш, монологни тинглашда эса жумлаларни эшитиш, хотирасида сақлаш ўқувчи учун муайян қийинчилик келтириб чиқаради.

- ✓ Тилшунослик нуқтаи назаридан содир бўладиган қийинчиликлар. Уларни лисоний – лексик, грамматик ва фонетик қийинчиликлар деб аталади. Лексикада жуфт тушунчалар (масалан, дунё томонларини ифодаловчи сўзлар, кўп маънолилиқ (полисемия) турғун бирикмалардаги сўз маъноси, ёрдамчи сўзлар, грамматик жиҳатдан она тилида йўқ ҳодисалар ёки фонетик тарафдан сўзнинг ёзувда ва талаффузда кескин тавафути, урғу ва оҳангнинг ўхшамаслиги тегишли қийинчиликларга сабаб бўлди.
- ✓ Аудиоматн тузилишига оид қийинчиликлар. Аудиоматннинг тузилиши (композицион – мазмуний тузилиши) ҳам қийинчиликларга олиб келиши аниқланган.

Талаба тинглаб тушунишда дуч келадиган қийинчиликларни эътироф этишдан мақсад уларнинг олдини олиш чораларини кўришдир. Қийинчиликлар меҳнат ва вақт талаб қилади, махсус машқларни бажариш заруриятини туғдиради. Тинглаб тушунишда дуч келинадиган қийинчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш йўли билан таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқитишнинг энг мақбул методикасини ишлаб чиқаришга олиб келади. Қийинчиликларни олдиндан аниқлаш, унинг сабабларини билиш мумкин. Қийинчиликнинг юзага чиқиши турли хатолар ва кўзланган натижага эришиш даражаси билан белгиланади. Бундай ҳолларда ўқиувчи талабани билим олишга қизиқтира олиши, ундаги яшириниб ётган мотивацияларини рўёбга чиқариши лозим. Ўқитувчининг фикри, сўзи ҳамда мавзуга мос равишда тайёрлаган тинглаб тушуниш машқлари талабаларни етаклаши, уларни ўйлаш, мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш ва ҳар гал янгидан-янги қоидаларни фаол очишга имконият яратиши керак. Бунинг учун ўқитувчи фақат дарс мавзусини ҳар хилда қизиқарли тушуниш машқлари билан бойитиши, ўқувчиларни фикрлаши учун муаммоли вазиятлар ҳосил қилиши, уларда ўрганилаётган мавзунини тинглаб тушунишига қизиқишини уйғотиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда педагогик ижоднинг энг муҳим шарти шу соҳани билиш, тушуниш, уни севиш, унга жонқуярлик, ташаббус билан ёндошишдир. Шу билан бирга ўқитувчининг юксак умумий маданиятидир. Юксак маданият кенг тушунча бўлиб, у энг аввало ўқитувчининг чуқур билим савиясини, ҳар томонлама қизиқишларини, юксак ривожланганлигини, ижтимоий фаоллигини, меҳнатсеварлигини, келажакка ишончи каби ҳислатларининг мажмуасини ўз ичига олади. Бундай ҳислатга эга ўқитувчи эса қизиқарли дарслари, илмий ва амалий ишлари орқали юксалиб, ривожланиб боради ва албатта нутқ фаолияти турларининг ҳар бирига хос қийинчиликларни енгиб ўтиш усулларини излаб топади ҳамда энг муқобилларини фанга тадбиқ этиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони.
2. Ачилова З. П. Синхрон таржима жараёнида мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – т. 31. – №. 2. – с. 23-28.
3. Ачилова З. П. Таржимашунослик назарияси мутахассислиги фанларига бағишланган замонавий дарсликлар яратишнинг аҳамияти //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 316-318.
4. Ачилова З. Словообразовательные и грамматические трудности при переводе испанского текста на русский //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 6 Part 6. – С. 220-224.

5. Ачилова З. П. Оғзаки матн таржимасининг фонетик ва лексик қийинчиликлари ва уни енгиб ўтиш имкониятлари //pedagogs jurnali. – 2022. – т. 3. – №. 1. – с. 170-178.
6. Ачилова З. П. Применения метода корректирующей компенсации при переводе политических выступлений //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 319-322.
7. Жалолов Ж “Чет тили ўқитиш методикаси” Тошкент 1996 йил
8. Фарберман Б “Илғор педагогик технологиялар” Тошкент 2000 йил.
9. “Кадрлар тайёрлаш сифати муаллимлари ва ечимлари” Тошкент 2003 йил.
10. Сиддиқова И.А. Методика преподавания английского языка. Т. 2002